



МУСТАҚИЛЛИК ҲАР БИРИМИЗГА ДАХЛДОР

Ўзбекистон жумҳуриятининг мустақил деб эълон қилинишини фақат ўзбек халқи, балки Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатлар орзиқиб кутган эди.

Бизнинг жаннатмакон диёримиз энди гуллаб-яшнашига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ албатта. Бироқ биз чинакам мустақиллик нима эканлигини тўла тушуниб етмас, буюк диёримизни гуркираб яшнашига ўз ҳиссамизни қўшмас эканмиз, мустақиллик сўзи фақатгина қоғозларда қолиб кетаверади.

Бошқармаимизда ўндан ортиқ миллат вакиллари — ўзбеклар, руслар, украинлар, корейцлар, қozoқлар, армяни ва бошқалар хизмат қилишади.

Бошқарма ходими милиция капитани Леонид Ким шундай дейди:

— Мен ўзим корейцман. Мўътабар ўзбек диёрида оламга келдим, албатта ўз миллатимнинг урф-одатларини ҳурмат қиламан, лекин ўзимни ўзбек фарзанди, Ўзбекистонни ўз Она Ватаним деб биламан. Негаки мен бу маконнинг бир бўлагиман. Ҳеч қачон ўзбеклар орасида ўзимни ёт миллатга ва ёт динга эга бўлган одамдек ҳис қилмаганман. Ўзбеклардек байналмилал халқ дунёда йўқ, десам муболага бўлмайди. Шу улуг кунларда жумҳурият ҳудудида яшайдиган барча халқларни мустақил Ўзбекистонимизни асрашга, унинг равнақи йўлида қўлимиздан келган барча имкониятларимизни ишга солишга даъват этаман.

Бошқармаимизнинг яна бир ходими Александр Гринблат яҳудий миллатининг вакилидир.

— Ҳозирги оғир социал муаммолар юзага келган бир даврда кўплаб яҳудий миллатига мансуб фуқаролар Исроилга ўз Ватанларини қидириб кетмоқдалар. Менинг укам ҳам шундай қилди, лекин мен ўз Ватанимни олдиндан топганман, бу менинг ҳур Ўзбекистонимдир. Айниқса мустақилликка эга бўлган Ватанимни ҳеч қандай бой мамлакатларга алишмайман. Бу ерда маънавий жиҳатдан бой, меҳмоннавоз ўзбек биродарларим яшайдилар. Ана шу кунларда Улуғ Ватан уруши йилларида бўлиб ўтган тарихий воқеаларни таҳлил қилмоқдаман. Ўша қиргинбарот йиллари фашист газандалари яҳудий миллатини қақшатиб, уларни ҳар тарафлама камситётган бир даврда, ўзбек халқининг

ажойиб шоири Гафур Ғудом «Мен яҳудийман» деган аjoyиб шеърни ёзди ва бу билан у ўзбек халқининг ўта байналмилаллигини эътироф этади. Мен ўз Она Ватанимга қўлимдан келган хизматларимни қиламан, — дейди у биз билан суҳбатда.

Милиция подполковниги Михаил Татарников Украинада туғилган. 50-йилларда Ўзбекистонга ота-онаси билан келган.

— Мен, — дейди Михаил Дмитриевич, — ёшлигимда ноқ ўзбек тилини ўрганишга интилгандим. Бироқ ўзбек тилининг ўша йиллари унча мавқеи яхши бўлмаганлиги, ҳамда давлат тилидек қўлланилмагани бу аjoyиб тилини яхши ўрганишимга халақит берди. Лекин ўзбек тилини биладиган ва унда ҳеч қандай хато қилмай сўзлашадиган рус ва бошқа миллатга мансуб биродарларим бор. Мен уларга ҳавас билан боқаман, чунки ўзбек тили орқали бу аjoyиб халқнинг урф ва одатларини билиш мумкин.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам диёримизга кириб келган мустақиллик барчамиз учун олам-олам қувонч келтирмоқда.

Мен юртимизда кезаётган озодлик шамолига назар ташлар эканман, хаёлимдан беихтиёр уни қандай сақлаб қоламиз, деган ўйлар кечади.

Фикримча, айнан ҳозирги вақтда ҳар бир фуқаро ўзининг бор кучи ва ғайрати, билими, маҳоратини шу йўсинда ривожлантирмоғи лозим. Шунинг ҳам айтиб ўтишни жоиз деб биламанки, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан, албатта, иқтисодий ҳаётимизда анча ечимини кутаётган масалалар кўндаланг бўлиб қолди. Шундай вақтларда биз фақатгина ўз шахсий манфаатларимизни кўзламай, балки кўпроқ инсоний қадриятларимиз ҳақида бош қотиришимиз мақсадга мувофиқдир.

Энди мен давлат автомобиль назорияти ходими сифатида ҳам озгина фикр юритмоқчиман. Биз ҳаммамиз йўл-транспорт ҳодисалари қанчадан-қанча кўнгилсизликлар келтириб чиқаришини яхши биламиз. Лекин унинг жумҳуриятимиз иқтисодига келтирадиган зарарлари ҳақида камроқ ўйлаймиз.

Масалаи, ўтган йили йўлларда 17.892 та йўл транспорт ҳодисалари содир этилди. Унда 3166 киши ҳаётдан кўз юмди, 20 миңга яқин киши эса турли да-

ражада тан жароҳати олдилар.

Келинг, энди ана шу ҳодисаларнинг келтириб чиқарган иқтисодий зарарларига бир эътибор берайлик. Расмий маълумотларга қараганда, ана шу ҳалокатлар натижасида 30 фоиз одамлар жамиятга яроқсиз бўлиб қолишаркан. Ана энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Ногирон одамларга қўшимча маблағлар ажратиш, уларга нафақа тўлаш ва ниҳоят ғамхўрлик қилиш талаб этилади. Бу биринчидан, Иккинчидан эса ўша маълумотларга кўра 25-30 фоиз йўл ҳодисасига учраган транспорт воситалари ҳам фойдаланишга бутунлай яроқсиз бўлиб қолади.

Бундай салбий кўрсаткичларнинг барчаси катта маблағ талаб қилади.

Совет Иттифоқи ҳудудида ўтган 5 йил мобайнида 250 миң одам йўл транспорт ҳодисалари туфайли ҳаётдан кўз юмганлар, 1,5 миллион одам турли даражада тан жароҳати олган. Шу давр ичида давлатга келтирилган зиён 50-60 миллиард сўмни ташкил қилади.

Бундай офатларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада? Узимизнинг совуққонлигимиз, йўл ҳаракатига бўлган бепарқ муносабатимизда.

Жумҳуриятимизда содир этилаётган йўл транспорт ҳодисаларида ёш болаларнинг жабрланаётганлиги бунга қарши кўпроқ ва тезроқ ҳаракат қилишни талаб этади. Шу боисдан ҳам ҳозирги вақтда иқтисодий-сиёсий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўта жавобгарликни ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилмоғимиз лозим. Бу эса биздан катта куч-ғайрат, қолаверса фидойиликни талаб этади.

Ҳали мурғак бўлган мустақиллигимизни авайлаб-асраш учун уни ривожлантириб вояга етказиш, иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишимиз зарур. Мен жумҳуриятимиз мустақиллик фондига ташкил қилишни таклиф этаман. Матбуотда босилаётган мақолалар, телевидение ва радио орқали берилаётган эшиттиришларимдан келган бир йиллик қалам ҳақимни (гонораримни) ана шу мустақиллик фондига ўтказаман. Кўпчилик касбдошларимдан — журналистлар, ёзувчилардан менинг таклифимни қўллаб қувватлашларини илтимос қиламан.

Азиз ЭРНАЗАРОВ, Ўзбекистон жумҳурияти ички ишлар вазирлиги давлат автомобиль назорияти бошқармаси бўлими бошлиғи.

ОЗ ФУРСАТ ҚОЛДИ

Иқтисодий танглик ҳукм сураётган айни кунларда шов-шувларга сабаб бўлаётган воқеалар шу қадар мўлки, улар киши диққатини ўзига тортади. Бундай ҳодиса ва дунё воқеаларидан воқиф бўлиб туришни истаган ҳар бир киши вақтли матбуотга обуна бўлмай иложи йўқ. Шу сабабдан кундан-кунга қизиқарли бўлиб бораётган «Постда» рўзномасининг ихлосмандлари кўпаймоқда. Унинг биронта сонини ҳам қолдирмай уйда олиб ўқиш ниятида обуна бўлаётганлар сафи эса тобора ошаётир.

Вазирлик ҳамда муҳарририятга ҳар кун қелаётган кўплаб телеграммалар, телефонлардан олинаётган хабарлар фикримизнинг далилидир.

ЖАРҚУРҒОН. Кунини кеча туман ички ишлар бўлимидан олинган телеграммада ҳозиргача 108 нафар ходим кейинги йил учун «Постда» рўзномасига ёзилгани тўғрисида маълум қилинган. Ту-

манда обуна уюшқоқлик билан давом этапти.

ДЕНОВ. — Ҳозиргача бўлимимиз ходимларидан 157 киши «Постда» рўзномасига ёзилиши ва 1992 йилда ички ишлар органлари фаолиятидаги аҳвол билан мунтазам танишиб туриш имкониятига эга бўлдилар, — дейилади туман ИИБ бошлиғи милиция полковниги А. Чориев номидан келган телеграммада.

ҚАРШИ. — Вилоятда рўзномага қизиқувчилар кўп, — дейди Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳи ходими милиция капитани Собир Зиёвуддинов телефон орқали. — Шу кунгача 2753 ходим севимли «Постда» рўзномасига келгуси йил учун обуна бўлди. Бу иш ҳамон шиддат билан давом этапти.

Ҳа, жумҳуриятимизнинг ҳамма жойларида, шаҳар ва қишлоқларида истаганлар учун «союзпечат»ларда рўзномага ёзилиш имконияти мавжуд. Фақат вақт ганимат.



Кўчалар ва жамоат жойларида содир бўладиган жиноятчиликнинг олдини олишда пост-патрул хизмати милиционерларининг ўрни каттадир. Уларнинг ўз вазифаларига сикдикдан ёндошиб оператив ҳаракат қилишлари натижасида кўплаб жиноятлар тезлик билан очилмоқда. Хива тумани

ва шаҳар ИИБ пост-патрул хизмати ходими милиция сержанти Икром Йўлдошев бу ишга катта ҳисса қўшаётганлардан.

Суратда: И. Йўлдошев оператив маълумотни қабул қилиб олмақда.

С. БОБОЕВ олган сурат.

БОШИ ХАМ БЎЛДИ

Яқинда Қорақалпоғистон жумҳурияти ИИБ ва Нукус шаҳар ИИБ БХСС ходимлари шу шаҳарда яшовчи Р. исмли аёлнинг ўйин тўғуз қилишди. Ана шу жараёнда олинган хабар тўғуз-тўғуз эканлиги тасдиқланди. 16 қоп ун, 10 қоп ва яна уч қутти қора чой, 10 литрни 22 та, 20 литрни 5 та

огзи беркиладиган идишда спирт, ширин оғзини беркиладиган мослама, 1635 та «Рус ароғи» ёрпиги ҳамда 560 донга бўш ширин топилди.

Худди шунингдек, хонадон бекаси 23 миң 750 сўм пулни ҳам «ўз иктиёри» билан ходимларга тутқазди.

Р. УСМОНОВ.

ЧАЙҚОВЧИЛИК БАЛОСИ

Чайқовчилик жамиятимизнинг эмг оғир касалликларидан бири. Тан олиб, айтиш керакки, унга қарши кураш кучайган сари чайқовчилик ҳам авж олса олаётгани, сусайгани йўқ. Бу унга қарши қилинаётган ишларнинг нотўғри ёки бошқачалигини белгиламайди. Балки, олиб-сатарликнинг илдизи жуда чуқурлигини, томирлари жамиятимизнинг туб иқтисодий аҳволига бориб тақалишини билдиради.

Кейинги пайтларда бошқармадан олиб-сатарликка қарши бир мунча хайрли ишлар амалга оширилдики, оқибатда иқтисодий тақчилликдан фойдаланиб чўнтақ қаппайтиришни ниёт қилган кўплаб текинхўрлар фож этилди ва тегишли жазолар белгиланди. Шуларнинг айримларини сиз азиз муштарийларга ҳам таништиришни дозим топдик. Шояд, бу йўлга кириб келаётганлар ўзларига тегишли хулоса чиқаришса.

Шаҳноза Иброҳимова Янгийўл шаҳрида яшайди. Ҳеч қаерда ишламайди. Мўмай даромад ишқиди эркаклар кўйлагини 105 сўмдан олиб 150 сўмдан, шимини 200 сўмдан олиб 250 сўмдан пуллаётганида қўлга тушди. Шунингдек, ундан жаъми 970 сўмлик мол топилди. Чилонзор тумани халқ суди томонидан бу нарсалар мусодара қилиниб, чайқовчига 300 сўм миқдорда жарима солинди.

Атмурат Разиёв спорт формаси сотиб бой бўлишни орзу қилган эди. Лекин орзу сароблигича қолиб кетарди. Ишга бизнинг ходимларимиз аралашган эди. Ҳаммаси чаппасига айланиб кетди. Олот туманида яшовчи бу йигит 600 сўмга спорт костюминини олиб, 650 сўмга сотаётганида чуви чиқди. Ёнидан эса харидор кутиб ётган 1165 сўмлик мол топилди. «Бой бўлиш» орзуси эса 300 сўмга тушди.

Бахтиёр Жалилов деган йигитча эса беш бармогини оғзига тиққанлардан экан. Жаъми 2265 сўмлик ҳар хил ноёб молларни ошириб пуллаётганида ушланди. Ундан олинган нарсалар мусодара қилиниб, 100 сўм жарима ундирилди.

Санкт-Петербургда туғилган Екатерина Широкова чайқовчилар орасида жуда пухтаси экан. Маълумки, кийим-кечак билан «савдо» қилишда бирмунча чекланишлар бор. Харидорларга молнинг нархи тўғри келсагина олади. Еқмаса, олмайди. Шундай нарсалар ҳам борки, харидор олмасдан иложи йўқ. Қанақа нархда бўлишидан қатъий назар. Масалан, дори-дармон. Маълумки, уйда бемор оҳ-воҳ қилиб турган одамнинг кўзига пул кўринмайди. Бунини яхши билган Екатерина қаерлардан дориларни топиб, хоҳлаган баҳосида пуллаб юрар экан. Охиросибатда тузоққа тушди. Ундан олинган 18 хил доридармон мусодара қилиниб,

300 сўм миқдорда жарима ундирилди.

Дўкон пештахталарида нима тақчиллашиб қолса, худди шу нарсанинг чайқови авж олади. Бизда машинанинг эҳтиёт қисмлари билан олиб-сатарлик қилиш анчадан буён бор нарсаси. Бунини тан олиш керак. Кейинги йилларда ҳам бу нарсаси сусайгани йўқ. Чунки эҳтиёт ҳамон бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан анча юқори. Лекин кейинги пайтлардаги кузатишларда шу нарсаси яққол кўзга ташланмоқдаки, болалар кийим-кечаклари билан чайқовчилик қилиш

ҳам авж олиб бораёпти. Бунинг илдизлари яна ўша тақчилликка бориб тақалади.

Кейинги пайтларда БХСС ходимлари томонидан бир қанча ана шундай олиб-сатарлар фож этилди. Людмила Абашкина, Камол Зайниевлар шулар жумласидандир.

Людмила болалар кийим-кечак мусодара қилиниб, 100 сўм жарима ундирилди. Камолдан эса, 250 сўмлик болалар кийим

олиниб, 200 сўмлик жарима солинди.

Албатта, чайқовчилар қилаётган «даромад»нинг олдида бу жарима денгиздан томчидек гап. Шу сабабдан бўлса керак, олиб-сатарларнинг натижаси самарали бўлмайди, дея олмаймиз. Хулоса шуки, олиб-сатарларга нисбатан қаттиқроқ жазо чораларини белгилаш шу куннинг муҳим вазифаси сифатида юзага қалқиб чиқиб қолди.

Лутфулла АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИБ
БХСС бошқармаси катта
оператив вақли милиция
подполковниги.



«Отчопар»нинг ўзида муҳокама қилишмоқда.
3. Автомобиль гилдиракларини ҳаммага ҳам керак, аммо нархи кишини ўйлантириб қўяди.
4. Дўкон юзини кўрмаган моллар.
Суратлар муаллифи
Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Тошкент «Отчопар»ида.
2. Чилонзор тумани халқ судьяси М. Ражабов, суд ижрочиси И. Гуломов, марказий кўпмолли дўкон товаршуноси Н. Котлова ҳамда Чилонзор савдо маркази ходими Т. Эргашевлар қўлга тушган чайқовчилар ишнини

ВИЖДОНИ ЙЎЛ ҚЎЙМАДИ

Бу ҳикоям Гулистон шаҳрида истиқомат қиладиган «виждонли» ўғриллар ҳақида. Александр Порохин ёш эмас, салкам қирққа кирган. Қарамогиди учта фарзанди, биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолиб, тўшакка миҳланган хотини бор.

31 баҳорини қаршилаган Алишер Нишонов эса Афғонистонда хизмат қилган байналмилалчи-жангчи. У хизмат бурчини ўтаб қайтгандан сўнг шаҳар уй-жой коммунал хўжалигида юк ташувчи бўлиб ишлаётганди.

Шу йил 16 март кунини икковлон маслаҳатни бир жойга қўйиш, яъни шайтоннинг сўзига киришиб, ўғриликка қўл уришди. Тўғрироғи, Александр Алишерни йўлдан урди. Тунги соат 2 лар чамаси «Видеокон» кооперативига боришгач, Александр:

— Сен ёш ва чаққонсан, — деб ҳамроҳини девордан ошиб тушишга ундайди.

Алишер ҳам шунини кутиб турган эканми:

— Хўп, майли, вақт ўтмасдан тезроқ бўлақолайлик, — деб ҳовлига ошиб тушади. Кейин вагон қулфини бузиб ичкарига киргач, давлат баҳосида 96 сўм 30 тиғин турадиган «Москвич-412» машинасининг олдинги ойнасидан бир донасини девордан шеригига оширади.

Сўнгра Александр ҳам ҳовлига тушади. Икковлон яна «Москвич-412» машинасининг иккита гилдирагини ечиб олишади. Умарилган моллар Алишернинг уйига яширилади.

Александр уйига қайтар экан, ўзига-ўзи савол бера бошлади: «Ҳой инсон, нима иш қилиб қўйдинг? Сен-ку қамалиб кетарсан. Аммо болаларинг нима қилади. Ногирон хотининг аҳволи нима кечади, шу қилган ишини тўғрими? Яхшиси ўғирланган нарсаларни эгаларига қайтариб бер. Эгилган бошини қилич кесмайди, дейишадик».

Тунни бир алфозда ўтказган Александр тонг саҳар Алишерникига келиб, миясини эғовлаётган фикрини айтди. Туни билан нақ тиканининг устида ётиб чиққан шериги ҳам бу тақлифга дардор кўнақолди.

Улар тунда меҳмон бўлишган жойига келишгач, милиция ходимларини кўришиб, қўрқувдан нақ ўтакалари ёрилаёзди. Ва яшириб қўйишган нарсаларни олишиб, тўппа-тўғри Гулистон шаҳар ички ишлар бўлимига келишди. Бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб беришди.

Шунақаси ҳам бўлар эканда. Ишқилиб ҳар бир кишининг виждони уйғоқ бўлсин экан.

Ҳ. МАҲКАМОВ.

САФАРИ ҚАРИДИ

Валерий Полянец 30 ёшини қоралаб қўйди. Ҳеч қаерда ишламайди. Яшаш жойининг ҳам тайини йўқ. Илгари судланган бўлишига қарамай, қинғирлигини ташламади.

Олмалик шаҳридаги «Марҳамат» ресторанига кириб, э йўқ-бе йўқ жанжал кўтарди. Директорнинг юзига мушт тушириб, кўздан ғойиб бўлди. Шу кетганича Ёқудистонга йўл олди. Бироқ у ерда ҳам тошу тарози бор экан. Қандай кун кечирини билмай ўғирликка қўл урди. Давлатнинг 1072 сўмлик мулкни орқалаб, яна Олмаликка қайтган Валерийни милиция ходимлари «илиқ» кутиб олишди.

Нур БАДИА.

Икки киши — икки кишида. Улар менга пўписа қила бошлашди. «Агар бизга 100000 сўм топиб берманг, шундай қиламизки, кейин на эркак бўласан, на аёл!» — деб қўрқитишди.

Қўрқанимдан Алишерга 1 ярим минг сўм келтириб бердим. Лекин улар барибир мени тинч қўйишмади. Ҳатто калтаклашди.

Тўғри, 3 сентябрь куни аввал келишилганидек, улар билан Шимолий Олмазор кўчасида соат 17 дан 30 дақиқа ўтганда учрашдик. Кейин заводга бориб, кислотали идишни олдикда, 7-шифохонага жўнадик.

Зухрилла машинада қолди, биз эса ичкарига кирдик.

У менинг гапим билан ертўлага тушиб, қувурни аниқлаб чиқмоқчи эди. Пиллапоядан пастга тушаётганда, ёнимдаги челақ ағанаб кетди. Лекин буни мен қилмадим.

Қўрқиб ташқарига қочиб чиқдим. Зухриллага: «Алишер бизни кутиб ўтирибди, заводга бориб келишимиз керак», — дедим.

Зиё Саид кўчасига борганимизда: «Бир танишимникига кириб чиқаман», — деган баҳона билан машинани тўхтатдим. Сўнгра билдирмай қочиб қолдим.



Аҳмадбоевни ўлдириш мақсади менда умуман бўлмаган, ундан 3 минг 850 сўм пулни ҳам олмаганман...

Унинг пойинтар-сойинтар сўзлари худди чўкаётган одамнинг хасга ёпишишига ўхшарди.

Зеро, Зухрилла Риҳсибоевдан бошқа гувоҳлар ҳам сўз олиб, судланувчининг барча айтганлари уйдирма эканлигини тасдиқлашди.

Мана, улар нима дейишган.

Гувоҳлар Р. Жонпайсова ва Д. Усмонов. — Марҳум ўлими олдидан бизга фожаянинг келиб чиқиши ва якуни ҳақида ҳамма нарса ни айтиб берган. Ҳақиқатдан ҳам судланувчи аввал бирга даволанишган пайтда марҳумнинг ишончини қо-

(Боши ўтган сонда).



КУЙГАН ВУЖУД ФАРЁДИ

зонган ва ўзининг қабиҳ ниятини амалга ошириш учун кейинчалик ана шу ишончини оёқости қилган.

Дастлаб уни заводга эргаштириб бориб, биллур идишларни ўғирлаб чиқиб сотган ва тушган фойдадан 30 сўмни унга берган. Кейинчалик эса катта партидаги мол учун катта пул сўраган.

Алишер госпиталдан чиқгач, Абдумалик исмли танишидан 1900 сўм, ўртоғи Зоҳиддан 500 сўм, Зухрилладан 300 сўм қарз олган.

диришга қарор қилган ва устидан кислота қуйиб юбориб, бу қабиҳ режасини амалга оширган.

Гувоҳ врач Н. Қамарова: — Ҳақиқатан куйганларни даволаш марказида мен навбатчи эдим. Кечаси соат ўнлардан ўтганда Аҳмадбоевни олиб келишди. У тиббиёт ходимларига Асатуллаев ўзининг устидан кислота қуйиб юборганини баён этган.

Жабрланувчи Тўйчи Аҳмадбоев: — Алишер менинг ўғлим бўлади. 4 сентябрь куни сафардан қайтиб келсам, Равшан исмли ўртоғи Алишернинг куйиб, касалхонада ётганини айтди. Бу гапни эшитиб, жонимда жон қолмади. Оёғимни қўлимга олиб, шифохонага югурдим. Бечора болагинам кислотанинг азобидан тўлғона-тўлғона Ибодулла уни бир қурилиш объектига алдаб олиб бориб, устидан кислота қуйиб юборганини айтди.

Ҳақиқатан ушундан бир оз илгари онасидан 1 минг 100 сўм, Абдумалик ва Зоҳид ўртоқларидан қарз олиб, Ибодуллага берган экан.

Гувоҳ Мавлонқориев: — Аҳмадбоев август ойида мендан қарз сўради. Унинг одобли ва садоқатли, бир сўзли эканлиги учун раъйини қайтаролмадим. 1 минг 900 сўм бердим.

Лекин шу пулни қайтариб ололмадим. Кейин куйиб, касалхонага тушганини эшитиб, кўргани бордим. Ушанда Ибодулланинг ваҳшийлик қилганини эшитдим.

Мана бу судланувчининг отаси Х. Асатуллаевнинг судда берган кўрсатмаси: — Ҳақиқатан ҳам хизматдан анча-мунча тажанг бўлиб қайтди.

Уни ўзим ишлаётган «Миконд» заводига ишга жойладим.

Ибодулла ҳар доим ойлигини бир тийин ҳам яширмай менга топширарди. Мен эса унга бир ҳафтага 8 сўм берардим.

Ана шу жойда судланувчи даъволарининг уйдирма эканлиги рўй-рост намоён бўлади.

Эътибор беринг, Ибодулла дастлаб Алишерга қўрқанидан 1 минг 500 сўм пул олиб келиб берганини билдирди.

Отасидан ҳафтасига 8 сўм олиб турган бўлса, у шунча пулни қаердан топди? Қарз олдики ўртоқларидан?

Йўқ, агар шундай бўлганда, унга 1 минг 500 сўм қарз берган ўртоқлари судда иштирок этган, унинг сўзлари тўғрилигини тасдиқлаган бўларди.

Халқимизда топиб айтилган бир нақл бор: касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади.

Худди шундай бўлди. Судланувчининг айби жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатмалари, тўпланган материаллар, суд-тиббиёт ва кимёвий-суд экспертизалари ҳулосалари билан тасдиқланди.

Унинг даъволари эса муқаррар жазодан қўтилиб қолиш йўлидаги бир уриниш, деб баҳоланди.

ҲУКМ

Асатуллаев Ибодулла Ҳамидуллаевич Ўзбекистон жумҳурияти жиноят мажмуасининг 129-моддаси 3-қисми ва 80-моддаси биринчи ва олтинчи бандлари билан айбдор, деб топилсин.

ЖМнинг 129-моддаси 3-қисми билан мол-мулкни давлат фойдасига ўтказилиб, икки йилга сургун, беш йилга озодликдан маҳрум қилинсин.

ЖМнинг 80-моддаси 1,6-бандлари билан эса 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинсин.

ЖМнинг 40-моддаси қўлланилиб, жазонинг енгил тури оғирроғи билан алмаштирилсин. И. Ҳ. Асатуллаевнинг ўзига тегишли мол-мулкни давлат фойдасига ўтказилгани ҳолда 2 йилга сургун қилинсин ҳамда 12 йил қамоқ жазоси ўташ учун қолдирилсин.

У жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш муассасасида ўтасин.

Судланган И. Ҳ. Асатуллаевдан жабрланувчи Аҳ-


мадбоевга ўғли — Алишер олган қарзларни қайтариш учун 3 минг 850 сўм пул ундириб берилсин...

Шу ерда машҳур жиноий иш интиҳосига етгавлиги учун мақоламизга нуқта қўйсак ҳам бўлаверарди. Аммо ундай қилмадик. Сабаби — айтилмаган фикрларимиз, ечимини топмаган саволларимиз бор.

Одам ўлди. Одам бўлганда ҳам ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, ёруғ дунё лаззатидан қониб-қониб сиқирмаган 22 ёшли йигит ўлди. Ўлганда ҳам бир ой давомида инграниб-инграниб жон берди.

Қотил аниқ, у судланди, қилмишига яраша жазога тортилди.

Лекин Алишернинг ўлимига киши билмас катта ҳисса қўшганларнинг бурни ҳам қонамади. Улар яна одатдагидай ўша «Миконд» заводидан тараллабедод қилиб юришибди.



Айниқса, йирик-йирик шаҳарларда жойлашган корхона ва ташкилотларда ички интизом анча-мунча қаттиқ. Маҳсус рухсатнома талаб қилишади.

Ҳўш, «Миконд» заводидачи? Қарвонсаройми? Наҳотки, Ибодуллага ўхшаш қинғир шахслар хоҳлаган вақтда кириб, хоҳлаган нарсагини кўтариб чиқиб кетаверса?! Ҳатто 20 литрлик идишда олтин-гургурт кислотасини ўмарса ҳам, ҳеч ким сезмасая!

«Хушёрлик» билан постда турган қоровулларнинг, уларнинг устидан назорат қилиб, отининг калласидай маош олаётган хўжайинсифат кишиларнинг кўзлари қаёқда?

Назаримизда, кўзини шира босган қоровуллардан тортиб, Ибодуллага кислота топиб берган номаълум шахсгача, ўз корхонасида ташмачиликка кенг йўл очиб берган раҳбарларгача умри хазон бўлган Алишернинг фожеасида беайб эмасдирлар.

Рустам АКБАРОВ,
Тошкент шаҳар халқ суди раисининг ўринбосари,

Маҳкам ҲАКИМОВ,
«Постда»нинг жамоатчи мухбири.

ИШОНМАГИН ДЎСТИНГГА...

Рамил дўсти Андрейни кўриб қувониб кетди.
— Андрей бир ҳождатимни чиқарсанг. Йўқ демагин.
— Қани эшитайлик-чи, қандай ҳождат экан?
— Тошкентдаги қариндошларимникига бориб келишим керак. Уйни кимсасиз ташлаб кетай, десам, ўзинг биласан,

нима кўп—ўғри кўп. Калитимни берсам, қайтуғимча яшаб турсанг.
— Неча кунда қайтасан?
— Кўп эмас, 4-5 кунда.
— Ҳай, майли. Барибир бекорчиман. Сен бемалол кетавер. Уйингдан хотиринг жам бўлсин.
Шундай қилиб Рамил Гүлис-

тон шаҳридаги 1-уйнинг 34-хонадонни калитини ёшлиқдан колток тепишиб ўйнаган ўртоғи Андрейга бериб Тошкентга жўнади.
Бировнинг уйи ўзганинг қорнини тўйдирмас экан. Андрей уй эгаси бўлиб олгач, ундаги лаш-лушларга ҳам хўжайин чиқиб қолди.

Рамилнинг каттакон сумкасига 3872 сўмлик турли буюмларни жойлаштириб Тошкентга йўл олди.
Уғирлик молларнинг айримларини сотди, қолганларини темир йўл бекатидаги сақлаш камерасига тиқиб қўйди.
Хонадон эгаси қайтиб келсаки, уйи шип-шийдам.
Андрей эса ўмарилган нарсаларни сотиб тамом қилгач,

мардикор бўлиб ишлай бошлади. Бироқ кўп ўтмай бу ҳам жонига теғди. Ҳар ҳолда жиндонини сотиб улгурмаган экан, изига қайтиб, тўппа-тўғри ИИБга борди. Қилмишини ихтиёрий равишда тан олди.
Гулистон шаҳар халқ суди А. Волосниковни уч йил озодликдан мосуво этди.
Ҳ. МАҲМУДОВ.

